

II. САНОАТ

2018 йил январь-июнида саноат маҳсулоти ҳажми 16220,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 107,7 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот йилда 7811,8 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-июнига нисбатан 101,8 фоизни ташкил этди. Жумладан, 3151,4 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 4384,2 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-июнига нисбатан мос равишда 99,1 фоиз ва 103,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2018 йил январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	16220,9	107,7
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	667,6	3,1 м
<i>улардан:</i>		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	596,4	4,8 м
Металл рудаларини қазиб олиш	0,3	117,0
Қайта ишлаш саноати	14374,5	104,8
<i>шундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2549,2	92,5
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1559,7	115,3
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	751,8	94,6


	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	493,6	103,6
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	55,6	114,5
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	1360,4	113,5
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	387,6	99,4
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	743,7	106,6
Металлургия саноати	2180,3	97,0
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	865,1	109,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	760,4	101,1
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	418,4	113,0
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	7811,8	101,8
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	3151,4	99,1
ноозик-овқат товарлари	4384,2	103,7

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш

Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармоқ корхоналари томонидан 2018 йилнинг 2-чорагида 16220,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,7% ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуйидагича тавсифланади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулотитурларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)**


	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2018 йил январь-июнь</i>	<i>2017 й январь- июнига нисбатан %</i>
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш			
Чақик тош (шебень)	<i>тн</i>	165707,8	152,6
Қайта ишлаш саноати			
Темирдан ёки легирланмаган пўлатдан болғаланган, иссиқлайин прокатка қилинган, иссиқлайин чўзилган ёки экструдирланган, кейин бошқа ишлов берилмаган бошқа чивиклар ва стерженлар, жумладан прокаткадан кейин калаваларга ўралган чивиклар	<i>тн</i>	4300	141,0
Кучланиши 1 кВ дан ортиқ бўлган (юқори вольтли), бошқа электр токи ўтказгичлари	<i>тн</i>	890	122,1
Цемент, бетон ёки сунбый тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар	<i>тн</i>	53647,3	51,3
Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти	<i>минг.л</i>	6987	103,2
Ароқ	<i>минг.л спирт</i>	7553,9	110,1
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	<i>минг. л спирт</i>	160,3	100,2
Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ташқари)	<i>минг. л</i>	20849,6	103,6

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-июнь	2017 й январь- июнига нисбатан %
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	<i>минг.тн</i>	100904	97,4
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	<i>тн</i>	952	54,4
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	<i>тн</i>	3842	94,4
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	<i>тн</i>	5993	124,1
Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар	<i>тн</i>	5015	1,5 м
Иш кийими	<i>минг дона</i>	-	-
Китоблар, география хариталар, гидрографик ёки шу каби карталарнинг барча турлари, репродукциялар, чизмалар ва фотосуратлар, откриткаларни босиб чиқариш бўйича хизматлар	<i>минг. сўм</i>	117644823,5	2,8 м
Газеталарни босиб чиқариш бўйича хизматлар	<i>минг. сўм</i>	20047404	114,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	<i>минг Гкал.</i>	5412,2	92,6

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш

Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Мирзо Улуғбек тумани (Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,7 % улушини), Яшнобод тумани (12,6 %), Шайхонтоҳур тумани (11,1%), Олмазор тумани (11,0 %), Чилонзор тумани (10,2 %), Сергели тумани (10,1 %), туманлари ҳиссасига тўғри келади.


2018 йилнинг январь-июнь ойида ҳудудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да




Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан (101,8 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 48,2 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да
(январь-июнь ойлари учун)



2018 йилнинг январь-июнь ойида ҳудудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да




Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 3151,4 млрд.сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 40,3 %, ноозик овқат маҳсулотларини ишлаб

чиқариш 4384,2 млрд.сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 56,1 %, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш 276,2 млрд.сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 3,6 % ташкил этди.

Шунинг билан бирга энг кам улуш Миробод (6,2 %), Учтепа (6,1%), Яккасарой (4,9 %) туманларига тўғри келади.

2018 йилнинг январь-июнь ойида ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)




Бунда Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш суратлари Миробод тумани (117,6 %)да , шунингдек Сирғали тумани (116,8 %) ва Яккасарой (115,2 %) туманларида кузатилмоқда.

Шу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш суратлари Бектемир тумани (122,0 %) , Юнусобод тумани (107,1%) ва Сирғали туманларида (107,0) кузатилган.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсишни таъминлади ва натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,3 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 68,0 % ташкил этмоқда.

Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да



Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Учтепа тумани (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 89,6 %), Олмазор (88,3 %), Яккасарой (86,2 %) ва Юнусобод (84,9 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Мирзо Улуғбек (31,8 %), Миробод (49,3 %), Шайхонтохур (49,7 %) туманларида кузатилди.